



Нукус шаҳри

Нөкис қаласы

№ 69-б

« 30 » Март 2018 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш тўғрисида"ги 205-сонли қарори ҳамда 2018 йил 24 мартдаги 02/1-718-сонли хатида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари (А.Тажетдинов) ва Нукус шаҳри ҳамда туманлар ҳокимларининг зиммаларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- Республика шаҳар ва туманларида ҳар бир ҳудуд бўйича аҳоли томорқасига экин экиш учун иқтисодиёт комплекси таркибига кирувчи ташкилотлардан масъул ходимларни бириктириб, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифасини юклаш;

- Нукус шаҳри ва барча туманларда камида биттадан "Томорқа хизмат" корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

- Ҳар бир маҳалла, овул ва қишлоқларда аҳоли тадбиркўрлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида камида 30 тадан иссиқхоналар ташкил этиш ва уларга ҳар томонлама кўмак бериб бориш;

- Ҳудудларда кам таъминланган оилалар рўйхатини шакллантириб, Нукус шаҳри ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2018 йилги бюджет параметрларида тасдиқланган захира жамғармалари ва бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан уларга 5 тадан кам бўлмаган миқдорда кўчатлар сотиб олиб тарқатилишини таъминласин.

2. Ушбу ишларни амалга ошириш, мониторинг юритиш, умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси штабига маълумотлар бериб борилишини таъминлаш мақсадида мониторинг юритиш Штаби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республикадаги барча вазирликлар, кўмиталар, бошқармалар ва идоралар раҳбарларига ўзларининг тизимларида ишловчи ҳар бир ходимнинг ўз уй хўжалиги томорқаларида мевали кўчатлар, сабзавот ва полиз экинларининг экилишини назоратга олсин ва мониторинг юритиш штабига кунлик маълумотларни тақдим қилиб бориш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат молиявий назорати бошқармаси (Б.Утамбетов)га Нукус шаҳри ва туманлар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаларидан ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини назорат қилиш топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**



Қ.Сариев

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил “___” мартдаги
___ сонли фармойишига
Илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги
"Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш
тўғрисида" ги 205-сонли қарори ҳамда 2018 йил 24 мартдаги 02/1-718-сонли
хатида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш бўйича
МОНИТОРИНГ ЮРИТИШ ШТАБИ

Т/Ғ	Ф.И.Ш	Лавозими
1.	У.Сабуров	- Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Штаб раҳбари
2.	К.Байжанов	- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Штаб раҳбари ўринбосари
3.	Қ.Нуриμβетов	- Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
4.	Ш.Оспанов	- Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси бошлиғи
5.	А.Аминов	- Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
6.	Т.Романов	- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
7.	Т.Султанов	- Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадарстр бошқармаси бошлиғи
8.	А.Сержанов	- АТ “Микрокредит банк” Қорақалпоғистон филиали бошқарувчиси ўринбосари
9.	Б.Генжебаев	- АТ “Халқ банк” Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошқарувчиси ўринбосари
10.	С.Жолдасбаев	- АТ “Агро банк” Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошқарувчиси ўринбосари
11.	А.Файзуллаев	- Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг мутахассиси
12.	Б.Алламбергенов	- Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бўлим бошлиғи, Штаб котиби

Изоҳ: Штаб аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ишбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Штаб аъзолари томонидан ўрганиш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича ҳар бир шахар ва туманлар кесимида умумлаштириб ,натижаси ҳақида ҳар кун и соат 17:00 га қадар Вазирлар Кенгашига тақдим этилиши шарт.